21«12»2022 yil. **65-7-102-MNQ/2022-son**

# ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА ОИД ШАРТНОМА

**Пахтачи тумани**

**“PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1” МЧЖ** кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида рахбари **Ш.Жўраев** номидан, бир томондан **Пахтачи туман Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими** кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбари **Г.Бобоназарова** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан УРҒУЧрда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

| № | **Ишнинг номи** | **Бошланғич Нархи** | **Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)** |
|---|---|---|---|
| 1 | “Мирзо Нодим” МФЙ Регистон кўчаси ҳудудида “Ўз худудидан қўшимча тиббиёт хонаси, мажлислар зали биноси” қурилиш учун | 597 411 617 | 595 181 541 |
| | **Жами (ҚҚС билан)** | | **595 181 541** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 595 181 541 (Беш юз тўқсон беш миллион бир юз саксон бир минг олти юз ўн етти) сўмни ташкил этади.

**1.3. Пшни бошлаш ва топшириш муддати:**

**Бошланиши: 21 декабр 2022 й.**
**Тугаши: 31 декабр 2022 й.**

## II. ТОМОНЛАРНИНГҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб килиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб килиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини;

- «Ишлар» нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

**2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:**

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар» ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйиган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 595 181 541 (Беш юз тўқсон беш миллион бир юз саксон бир минг олти юз ўн етти)) сўмни ташкил этади.

**3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилишии рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. Коррупсияга қарши кураш шартлари

5.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

-қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;

-шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;

-моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

5.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

5.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя етилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, хажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўгри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўгри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган

бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан қурилишга оид пудрат шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

6.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонида копланади

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома **2022 йил 21 декабрдан 2022 йил 31 декабргача** амалда бўлади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

9.2 Мазкур шартнома Пахтачи тумани буйича Газначилик булинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб конуний кучга киради.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**БАЖАРУВЧИ:**

**“PARLAMENT SAVDO MARKAZI” МЧЖ**
Манзил: Пахтачи тумани Жахонобод МФЙ
Тел: _995119951
х/р: 20208000605246322001
Банк номи: АТ Халқ банк Пахтачи филиали
МФО: 00733 ИНН: 307526368

«PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1» Mas'uliyati cheklangan jamiyat — O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Paxtachi tumani

**Раҳбар:** _______________ **Ш.Жўраев**
М. Ў.

**БУЮРТМАЧИ:**

**Пахтачи туман махаллава нуронийлар бўлими**
Манзил: Пахтачи тумани. Зиёвуддин ш.
Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобвараҒ:
401722860182307011402259012
Пахтачи туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси
Ягона Ғазначилик ҳисоб варақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар Бош бошкармаси ҲККМ
МФО: 00014:
Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 207317574

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | GULCHEXRA BOBONAZAROVA USMONOVNA |
| | Imzolangan sana | 21.12.2022 16:57 |
| | Hujjat kodi | **ZS0743818304** |
| | Hulosa kodi | **WO0576458480** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

WO0576458480

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Mirzo Nodim MFY qurilishi uchun**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: PAXTAChI TUMAN MAHALLA VA NURONIYLAR BO‘LIMI tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Paxtachi tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**B.R.QAZOQOV**
21.12.2022

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Пахтачи тумани махалла ва нуронийларни
қуллаб қувватлаш булим бошлиғи

Г.Бобоназарова

Пахтачи тумани " Мирзо Нодим " МФЙ Регистон кўчаси ҳудудида "Ўз худудидан қушимча тиббиёт хонаси, мажлислар зали биноси" қурилиш ишлари учун ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Пахтачи тумани «21» декабрь 2022 й.

Раислик қилувчи Г.Бобоназарова - Комиссия раиси, туман махалла ва нуронийларни қуллаб қуватлаш бўлим бошлиғи

Иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| М.Тўрақулов | Комиссия аъзоси, Ургуч МФЙ раиси |
| А.Қаххаров | Комиссия аъзоси, Ободон МФЙ раиси |
| О.Солиева | Комиссия аъзоси, Янгиобод МФЙ раиси |
| О.Сафарова | Комиссия аъзоси, хисобчи |
| Б.Мухаммадиев | Комиссия аъзоси, бош мутахасис |
| А.Рахманов | Котиб, туман бош хисобчиси |

**КУН ТАРТИБИ:**

Пахтачи тумани " Мирзо Нодим " МФЙ Регистон кўчаси ҳудудида "Ўз худудидан қушимча тиббиёт хонаси, мажлислар зали биноси" қуриш

( Г.Бобоназарова , Д.Тўраева , М.Турақулов )

Туман Махалла ва нуронийларни қўллаб қуватлаш бўлими томонидан 2022 йил 09.12.2022 декабрь Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Урғуч маҳалла биносини капитал таъмирлаш бўйича. № 22110012210261 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 19 декабрь энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган баённомасига асосан мазкур эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан ООО "PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1" корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.Бўлим бош мутахасис А.Рахманов:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 17 декабрдаги электрон баённомасига асосан ООО "PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1" корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Йиғилиш баённи ёзиб борди А.Рахманов

Сканировано с CamScanner

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 210261 на приобретение Услуги по капитальному ремонту нежилого здания (Мирзо Нодим МФЙ)

Способ проведения электронный

Дата 17.12.2022

Время рассмотрения 09.12.2022 12:36

Конкурсная комиссия Пахтачи туман махалла ва оилани куллаб куватлаш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BOBONAZAROVA GULCHEXRA USMONOVNA | Комисcия раиси | Пахтачи туман махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| **Секретарь комиссии** | RAXMONOV AKBAR IRDANOVICH | Комиссия аъзоси | Пахтачи туман махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | TURAKULOV MANSURJON ISMAILOVICH | МФЙ раиси | Махалла |
| **Член комиссии** | QAHHAROV AZAMAT MAMADIYAROVICH | МФЙ раиси | Махалла |
| **Член комиссии** | SALIYEVA ORZIGUL XOLMIRZAYEVNA | Комиссия аъзоси | Пахтачи туман махалла нуронийларни қуллаб-қувватлаш бўлими |
| **Член комиссии** | MUXAMMADIYEV BURXAN XUSANOVICH | Комиссия аъзоси | Пахтачи туман махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш булими |
| **Член комиссии** | SAFAROVA OYSARA ERGASHEVNA | Хисобчи | Махалла |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.12.2022 года № лота 210261.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту нежилого здания** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по капитальному ремонту нежилого здания (41.20.40.900-00005) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | объект |
| Цена товара (услуги) за единицу | 597 411 617.00 |
| Стартовая сумма | 597 411 617.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Коррупцияга қарши талаблар (684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупцияга қарши талаблар (684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 10 | 20 | 10 | Экспертная | | |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | 10 | 9 | 2 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | 10 | “SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди. | 8 | Экспертная | | |

Критерий №2 Критерияга Қурилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Критерияга Қурилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 10 | 15 | 10 | Экспертная | | |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 10 | 1 | 7 | Экспертная | | |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | 10 | 9 | 8 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | 10 | “SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Корхона аниқ турар жой манзилига эга экандиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўз биноси бўлса кадастр ҳужжатидан нусха ёки ижарада турган бўлса ижара шартномаси ва https://ijara.soliq.uz/ рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 10 | 15 | 10 | Экспертная | | |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | 10 | 9 | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | 10 | “SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди. | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Наличие материально технической бази

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник отбора должен иметь материально техническую базу

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 10 | 20 | 5 | Экспертная | | |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | 10 | 9 | 2 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | 10 | “SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди. | 1 | Экспертная | | |

Критерий №5 Информация по уплате налогов и других обязательных платежей в бюджет

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник не должен иметь задолженностей по уплате налогов и других налогов, обязательных платежей перед бюджетом.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 10 | 20 | 10 | Экспертная | | |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | 10 | 9 | 10 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | 10 | “SAXOVATLI TEMUR” ХК Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Харид комиссиясига барча маълумотларни шаффоф кўриб чиқиш учун асословчи хужжатлар билан тақдим қилди. Маълумотлар юкланди. | 10 | Экспертная | | |

Финансовое значение

**Наименование товара: Услуги по капитальному ремонту нежилого здания**

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | 597 411 617.00 | 570 000 000.00 UZS | 570 000 000.00 | 00.00 | 570 000 000.00 |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 597 411 617.00 | 595 181 541.00 UZS | 595 181 541.00 | 00.00 | 595 181 541.00 |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | 597 411 617.00 | 597 000 000.00 UZS | 597 000 000.00 | 00.00 | 597 000 000.00 |
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 597 411 617.00 | 597 000 000.00 UZS | 597 000 000.00 | 00.00 | 597 000 000.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 597 411 617.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 595 181 541.00 UZS | 595 181 541.00 | 00.00 | 00.00 | 595 181 541.00 | 16.12.2022 12:35:58 | 0 |
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 597 000 000.00 UZS | 597 000 000.00 | 00.00 | 00.00 | 597 000 000.00 | 15.12.2022 17:31:48 | 0 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"SAXOVOTLI TEMUR" XK** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ** | 94 | 0 | 94 |
| **SAM-BUSEFFAL MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **Пахтачи стандарт қурилиш ХК** | 90 | 0 | 90 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 210261 от 17.12.2022 года на приобретение Услуги по капитальному ремонту нежилого здания (Мирзо Нодим МФЙ) определила победителем:

PARLAMENT SAVDO MARKAZI 1 MCHJ
307526368

и резервный исполнитель: Пахтачи стандарт қурилиш ХК ( 302565521 )

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | BOBONAZAROVA GULCHEXRA USMONOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | QAHHAROV AZAMAT MAMADIYAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAFAROVA OYSARA ERGASHEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUXAMMADIYEV BURXAN XUSANOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП